

Кузнинг ёмгирли окшоми эди. Мени олиб кетаётган рикша Онори кишлоги тепаликларидан гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб борарди. Нихоят у бамбук дарахтлари панасига яширинган европача услубдаги кичкинагина уй рўпарасида тўхтади. Эшик тепасида япон ёзувида битилган «хинд Матирам Мисра» деган ёзувга кўзим тушди. Мисра-кун асли калкутталик бўлиб, Хиндистон мустакилликнинг ашаддий курашчиларидан эди. Шу билан бирга у таникли брахман Хасан-хон кўл остида афсунгарлик сирларини ўрганган мохир афсунгар ҳам эди.

Бир ойча илгари бир дўстим мени Мисра-кун билан таништириб қўйганди. Биз у билан турли сиёсий масалаларда анча бахslashган, аммо унинг афсунгарлик мўъжизаларини кандай амалга оширишини шу пайтгача кўришга муяссар бўлмагандим. Шунинг учун унга бу окшом менга афсунгарлик томошасини кўрсатишини илтимос қилиб мактуб ёзган ва рикшада Мисра-кун яшаётган Онори кишлогига келгандим.

Кучли жала остида турганча, мен фонарнинг хира нурида кўнгирок тугмасини топдим ва босдим. Эшик шу захоти очилди. Ичкаридан Мисра-кунга хизмат қиладиган пастаккина япон кампири чиқиб келди.

- Жаноб Мисра уйдаими?

- Албатта, албатта, мархамат! У сизни анчадан бери кутиб ўтирибди.

Кампир шу сўзлар билан мени Мисра-куннинг хонасига бошлаб кирди.

- Хайрли кеч! Шундай ёмгирда келганингиз учун рахмат!

Чўзинчок юзли ва кўзлари катта, мўйловли Мисра-кун керосин чирок оловини пасайтирар экан, мени илик кутиб олди.

- Йўк, санъатингиз мўъжизасини кўриш учун хар кандай об-хавода ҳам келишга тайёрман. Ёмгир нима бўлибди!

Мен курсига ўтирдим ва керосин чирок ёритаётган ним коронги хонага разм солдим.

Европача услубдаги гарибона холат.

Оўртада катта стол, девор ёнида китоб жавони, ойна олдида кичкинагина стол...

Шунингдек, иккита курси, бор-йўги шу. Стуллар ҳам, столлар ҳам эски, шалоги чиккан. хаттоки, кизил гуллар тасвири туширилган дастурхон ҳам титилиб кетганди.

Салом-алик тугади. Мен бир оз ёмгирнинг бамбук дарахтларига урилаётган шовкинига кулок солиб ўтирдим. Бирпасдан кейин қари оксоч пайдо бўлди ва иккита пиёлада кўк чой келтирди.

Мисра-кун сигара кутисини очди:

- Мархамат, сигарадан олинг!

- Рахмат!

Мен сигарани туташтиргач, сўз котдим:

- Менимча, сизга бўйсунувчи арвоҳ жин бўлса керак. Хозир мен кўрадиган афсунгарлик мўъжизалари жин ёрдамида амалга оширилса керак?

Мисра-кун ҳам сигара туташтирганича айёрона жилмайди ва тутун пуфлади.

- Жинларга юзлаб йиллар илгари ишонишган. Айтайлик, «Минг бир кеча» замонида. Мен Хасан-хондан ўрганган афсунгарлик - сеҳр-жоду эмас. Агар истасангиз, буни сиз ҳам қила оласиз. Бу фан тили билан айтганда, бор-йўги гипноз. Кўлни шундок силкитсангиз бас...

Мисра-кун кўлини кўтариб хавода учбурчак шаклини чизди, сўнг кўлини стол устига туширди ва дастурхонга кизилган кизил гулни узиб олди. Мен хайратланганча курсимни

якинрок сурдим ва гулни диккат билан кўздан кечирдим. Хеч кандай шубха йўк эди: хозиргина у дастурхонга чизилган накшнинг бир бўлаги эди. Лекин Мисра-кун гулни бурнимга якинлаштирганда унинг хуш бўйини сездим.

Хайратдан огзим очилиб колганди. Мисра-кун жилмайганича гулни кўлидан тушириб юборди. Гул дастурхонга тушиб, яна накшга айланди. Уни узиб олишнинг иложи бормикан? Хаттоки, битта япрогини ҳам кимирлата олмаслигим аник!

- Хўш, нима дейсиз? Ишониш кийин-а? Энди мана бу чирокка каранг.

Мисра-кун шу сўзлар билан стол устидаги чирокни сурди. Шу захоти чирок турган жойида айлана бошлади. Дастлаб мен ўт кетиб колишидан кўркдим. Мисра-кун эса бемалол чой хўплаб ўтирарди. Кўркувим бир оз чекинди ва мен чирокнинг борган сари тезрок айланишидан кўз узмай ўтирардим.

Бу ажойиб манзара эди! Чирок шу даражада тез айлана бошладики, назаримда у айланмаётгандек эди. Бир лахзадан сўнг тушундим: чирок аслида айланмаётганди.

- Хайрон колдингизми? Булар болалар учун кўрсатиладиган фокуслар! Хохласангиз сизга яна бир нарсани кўрсатаман.

Мисра-кун китоб жавонига ўгирилди. Сўнг кўлини кўтариб, кимнидир имлагандек бармогини кимирлатди. Бирдан жавонда терилган китоблар бирин-кетин стол устига учиб кела бошлади. Улар худди ёз кечасидаги кўршапалаклардек муковасини силкитганича учиб келишарди. Мен сигарани тишлаганимча котиб колгандим. Китоблар чирок устида бир айланиб, тартиб билан стол устига териларди. Кейин эса яна жавон томон уча бошлашди.

Юпка муковали китоблардан бири эса шифтга кўтарилди. У бир оз вақт стол узра парвоз килди, сўнгра тиззамга тушди. «Бу нимаси?», - ўйладим мен ва китобга карадим. У мен бир хафта илгари Мисра-кунга ўкиб туриш учун берган фронтсуз романи эди.

- Китобингиз учун раҳмат, - деди Мисра-кун жилмайиб.

Барча китоблар жавонга терилиб бўлганди. Мен худди хозиргина уйкудан уйгонгандек бирор нарса дейишга ожиз эдим. Бирдан Мисра-куннинг сўзлари ёдимга тушди: «Агар истасангиз, буни сиз ҳам кила оласиз».

- Мен сиз хакингизда кўп эшитгандим. Аммо тан оламан, санъатингиз мен кутгандан ҳам ажойиб экан. Лекин сиз, мен ҳам буни ўрганишим мумкинлигини айтдингиз. Хазиллашган бўлсангиз керак-а?

- Ишонтириб айтаманки, йўк! Афсунгарликни хар кандай одам ўргана олиши мумкин. Факат...

Мисра-кун менга диккат билан каради ва жиддий охангда гапиришга ўтди.

- Факат бойликка ўч киши эмас! Агар Хасан-хоннинг санъатини ўрганмокчи бўлсангиз, аввало ўзингиздаги бойликка бўлган хирсни енгишингиз лозим. Бу кўлингиздан келадими?

- Шундай деб умид киламан, - жавоб кайтардим мен. Лекин кўнглимда кандайдир ишончсизлик сезиб, кўшимча килдим: - Менга устозлик килишга рози бўлсангиз бас! Мисра-куннинг юзида шубха ифодаси бор эди. Лекин у, афтидан, кайсарлик килиш одобдан бўлмаслигини ўйлади шекилли, рози бўлди.

- Нима ҳам дердим, майли, ўргатаман. Бу оддий, лекин бирданига ўрганиш кийин, вақт керак. Бугун менинг уйимда колинг.

- О, сиздан жуда миннатдорман.

Афсунгарлик санъатини ўрганишимдан кувончга тўлиб, мен миннатдорчилик сўзларини ёгдирдим. Лекин Мисра-кун хеч нимани эшитмаётгандай хотиржамлик билан ўрнидан

турди ва чакирди:

- Буви! Буви! Мехмон бугун бизникида колади. Унга жой хозирланг.

Юрагим гупиллаб урарди. Сигара кулини кокишни хам унутиб Мисра-куннинг юзига тикилдим.

Мисра-кундан афсунгарлик сабокларини ўргана бошлаганимга хам бир ойдан ошганди. Худди ўшандай ёмгирли окшомлардан бирида мен Гиндза кўчасидаги клублардан бирида дўстларим билан сухбатлашиб ўтирдим.

Клуб Токио марказида бўлгани учун саноксиз автомобиллар томига урилаётган ёмгир шовкини Онори ўрмонидаги каби кайгули туюлмасди.

Клубдаги хона хам шинам эди: ёркин электр нури, чарм копланган катта креслолар, ялтирок паркет - Мисра-куннинг ним коронги хонасига умуман ўхшамасди.

Киз сигара тутатганча от пойгаси ва ов хакида сухбатлашардик. Дўстларимдан бири сигара колдигини каминга ташлади ва менга ўгирилди.

- Эшитишимча, кейинги пайтда сиз афсунгарлик билан шугулланаётган эмишсиз. Бизга бирор нарса кўрсатолмайсизми?

- Мархамат, - дедим мен худди буюк афсунгардек ишонч билан.

- Унда ўзингиз истаган нарсани кўрсатинг. Факат бу оддий фокусчи кўрсата олмайдиган мўъжиза бўлсин.

Уни хамма кўллаб-куватлади ва курсиларини якинрокка суришди.

Мен дархол ўрнимдан турдим.

- Диккат килинг. Афсунгарлик санъати хеч қандай хийлакорликни талаб қилмайди.

Шу сўзларни айтarkanман, мен кўйлагим енгини шимардим ва хотиржамлик билан камин ичидан бир неча дона кўмир чўгини кафтимга олдим. Шунинг ўзиёқ томошабинларни кўркитиб юборди. Улар куйиб қолишдан чўчиб, ўзларини ортга ташлашди.

Мен эса хотиржамлик билан кўмир доналарининг лангиллаб туришини бир оз кўрсатиб турдим, сўнгра уларни полга ташладим. Бирдан полда жаранглаган овоз янгради...

Кўлимдан тушган чўглар тилла тангага айланганди. Дўстларим худди туш кўришаётгандек эди. Улар хатто олқишлашни хам унутиб кўйишганди.

- Мана сизларга оддий нарса!

Ва мен голибона табассум билан кресломга чўкдим.

- Менга каранглар, нахотки булар хақикий тилла бўлса? - сўради беш дакикадан сўнг дўстларимдан бири.

- Хақикий тилла тангалар. Ишонмасангиз, кўлингизга олиб кўринг.

- Йўк! Кўлимни куйдиришни истамайман.

Томошабинлардан бири эҳтиёткорлик билан тангалардан бирини кўлига олди ва хитоб қилди:

- Соф олтин экан! Эй, офитсиант, супурги билан челак олиб келиб мана бу тангаларни йигиштириб ол!

Офитсиант унинг айтганини қилди ва тангаларни стол устига тўкди. Дўстларим столни ўраб олишди.

- Ўх-хў, бу ерда бир минг икки юз иен бордир!

- Йўк, йўк, кўпроқ, яхшиям стол бакуват экан, акс холда синиб кетиши мумкин эди.

- Гап йўк, сиз ажойиб сеҳргарликни ўрганибсиз. Бир лахзада кўмирни тилла тангага айлантириш, тасаввурга сигмайди!

- Бир хафтада миллионер бўлиб, Ивасаки ёки Митсунга етиб олишингиз хеч гапмас.

Томошабинлар менинг санъатимдан завкланишар, мен эса кресло суюнчигига ястанганимча сигара тутатардим.

- Йўк, бойлик учун афсунгарлик санъатини ишга солиш мумкин эмас. Тангаларни томоша килиб бўлсангизлар, уларни каминга ташлайман.

Бу сўзларни эшитиб, дўстларим бир овоздан каршилик килишди.

- Бунча катта бойликни кўмирга айлантириш бемаънилик-ку! - дейишарди улар.

Лекин мен сўзимда катъий туриб олдим: Мисра-кунга берган ваъдамга мувофик тилла тангаларни каминга ташлайман. Бирок, айёрлиги билан ном чиқарган дўстларимдан бири захарханда килди:

- Сиз бу пулларни яна кўмирга айлантормокчимисиз? Биз эса буни истамаймиз. Бу ахволда бахсимиз тугамайди. Мен бир нарсани ўйладим: келинг, биз билан карта ўйнанг! Сиз мана шу тиллаларингизни тикасиз. Агар ютсангиз - бемалол уларни кўмирга айлантirasиз. Агар биз ютсак, бор тиллангизни бизга берасиз. Бахсимиз иккала томон учун ҳам шу тарзда якун топади.

Лекин мен бош чайкадим. Мени кўндириш осон эмасди. Дўстим янада захарли кула бошлади. У бир менга, бир тиллалар уюмига каради.

- Сиз бу пулларни бизга бермаслик учун карта ўйнашни истамаяпсиз. Яна бўлса, мўъжиза содир этиш учун бойликка бўлган хирсни енгдим, дейсиз. Сизнинг бу гапингизга ишонгим келмаяпти...

- Ишонинг, бу пулларни сизга беришни истамаганим учун кўмирга айлантормокчи эмасман...

Биз тўхтовсиз бахслашардик ва ниҳоят мен таслим бўлдим. Карта ўйнаш учун пулларни тикишга рози бўлишдан бошка иложим колмади. Хамма хурсанд эди. Бирпасда карта топиб келишди.

Аввалига мен истар-истамас ўйнадим. Одатда, карта ўйинида омадим келмайди. Аммо бу окшом негадир омадим кулаётганди. Аста-секин кизикишим ортиб борди. Оън дакикадан сўнг барча нарсани унутиб ўйинга кизикиб кетдим.

Шерикларим менинг олтинларимни олиш учун бу ўйинни бошлашган эди. Лекин ютказганлари сайин уларнинг ранги оқариб бораётганди. Уларнинг барча уринишлари зое кетаётганди! Мен бирор марта ҳам ютказмадим. Аксинча! Мен ўйин бошланганида канча пулим бўлса, яна шунча ютдим. Ана шунда мени карта ўйнашга мажбурлаган дўстим кичкирди:

- Мана. Картани олинг! Мен бор мол-мулкимни - ерларим, уйим, отларим, автомобилим, барча-барча нарсамни тикаман! Сиз эса бор тиллангизни ва бугунги ютугингизни тикасиз. Олинг!

Шу пайт менда очкўзлик хисси уйгонди. Агар хозир ютказиб кўйсам, бор тилла-ю хозирги ютган пулларимни бераманми? Лекин агар ютиб олсам, дўстимнинг бор бойлиги менга ўтади! Бундай бойликка эга бўлиш учун афсунгарликни ишга солса арзийди!

Шу хаёл билан мен ўзимни бошқара оладиган холатда эмасдим ва билдирмасдан афсунгарлик санъатини ишга солдим, сўнг рози бўлдим:

- Бўпти! Карта тортинг.

- Тўккиз.

- Кирил! - тантанавор хитоб килдим мен ва ранги девордек оқариб кетган ракибимга картагни кўрсатдим.

Лекин шу лахзада - мўъжиза! - картадаги кирил худди тирикдек бошини кўтарди ва картадан энгашиб менга каради. У киличини баланд кўтариб, илжайди.

- Буви! Буви! Мехмонимиз уйига кайтмоқчи. Унга жой тайёрламай кўяверинг, - таниш овоз эшитилди.

Мен бирдан ўзимга келдим. Атрофга алангладим. Мен хали ҳам Мисра-куннинг рўпарасида ўтирар, у эса керосин чирокнинг хира шуъласида картадаги киролдек илжаярди.

Бармоқларим орасидаги сигаранинг кули хали тушиб улгурмаганди. Менга бир ой ўтиб кетгандек туюлганди, аслида эса бор-йўги икки-уч дақиқа ўтганди, холос. Лекин мана шу киска вақт ичидаёқ мен Хасан-хоннинг афсунгарлик сирларини ўрганишга нолойиқ одам эканлигимни иккаламиз ҳам яққол англаб етгандик.

Мен уялганимдан бошимни эгганча бир огиз сўз деёлмасдим.

- Афсунгарлик санъатини ўрганишдан олдин бойликка бўлган хирсни енгиш керак. Лекин бу кўлингиздан келмади, - деди Мисра-кун тирсакларини кизил гулли дастурхон ёзилган стол устига тираркан менга ачиниш билан караб.

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.